

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифининг иккинчи кунини хайрли тадбирдан -- буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий хотирасини ёд этишдан бошланди. 22 декабрь кунини ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида аллома хайкали пойига гуллар қўйди. Мамлакатимиз раҳбари Александр Лукашенкога Алишер Навоий қолдирган бекиё мерос, Ўзбекистоннинг бой маданий ва маърифий тарихи ҳамда ёш авлодларнинг ушбу кадрларига содиқлиги ҳақида сўзлаб берди.

Машиналар карвони Навоий номидаги миллий боғдан халқлар дўстлиги саройи томон йўл олди. Олий мартабали меҳмон шахарнинг диққатга сазовор жойларини, хусусан, Халқлар дўстлиги майдо-

нидаги мухташам бинолар мажмуасини алоҳида бир қизиқиш билан томоша қилди. Ислам Каримов Александр Лукашенкога шахар тарихи ҳақида сўзлар экан, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг беларус қурувчилари ўзбекистонлик биродарларига кўплаб янги турар жой бинолари барпо этишда катта кўмак берганини айтди.

Шундан сўнг Халқлар дўстлиги саройида икки давлат раҳбарларининг тор доирадаги суҳбати бўлиб ўтди.

Айни пайтда эса саройнинг иккинчи қаватида Ўзбекистон билан Беларус Республикалари ҳукуматларининг делегациялари ўртасида музокаралар бошланди. Делегация аъзолари ҳар икки республика вазириликлари, турли муассасалари ўртасида манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро махсусот айрибoshiлаш ҳамда савдо-иқтисодий

алоқаларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Сўнгра мазкур музокаралар Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Беларус Президентини Александр Лукашенко иштирокида, кенгайтирилган таркибда давом этди.

Музокаралар якунида давлатлараро, ҳукуматлараро ҳамда ҳар икки давлат муассасалари ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликка оид жами 18 ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги Декларация ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ҳамда Беларус Президентини Александр Лукашенко имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама ўзаро солиқ олмаслик, автотомобил, темир йўл, ҳаво йўли ва почта алоқаси бўйича ҳамкорлик ҳақидаги ҳамда 1995 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатларга Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Ю. Пайгин ҳамда Беларус Бош вазири ўринбосари В. Кокорев имзо қўйди.

Шунингдек, Ўзбекистон билан Беларус Республикалари Ташқи ишлар вазириликлари ўртасида маслаҳатлашувлар ҳақидаги протокол ҳамда тармоқлараро ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов ва Беларус давлати бошлиғи Александр Лукашенко олий даражадаги учрашувлардан сўнг маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар билан учрашиб, уларнинг музокаралар яку-

нига оид саволларига жавоб қайтардилар.

Музокараларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов қатнашди.

Шу кунини Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко Тошкентдаги Экспомаказга ташриф буюрди. Беларус раҳбари бу ерда Ўзбекистоннинг халқ ҳўжалиғи, фан-техника соҳаларида эришган ютуқлари намуналари билан яқиндан таниди.

Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: ИККИ ТОМОНЛАМА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИМЗОЛАШ ПАЙТИ; ТОШКЕНТ БИЛАН ТАНИШУВ.

Ф. ҚУРБОНОВ ва **Р. ШАГАЕВ** олган суратлар.

Беларус Президентининг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди

23 декабрь кунини Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко раҳбарлик қилётган давлат делегацияси аъзолари Тошкентда бўлиб ўтган сермахсул учрашувлардан сўнг қадимий Самарқанд зияратига жўнаб кетдилар.

Тошкент аэропортида ҳурматли меҳмонни тантанали кузатиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат Президентлари Александр Лукашенко ва Ислам Каримов минбарга кўтарилган, Беларус ҳамда Ўзбекистон Республикалари давлат мадҳиялари янгради. Сўнгра Президентлар миллий гвардия сафи олдида ўтдилар. Тантанали кузатиш маросимида Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Беларус ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари билан безатилган Самарқанд аэропортида олий даражадаги меҳмонни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар Президент Александр Лукашенкога гуллар тақдим этишди.

Эвират мўтабар қадимки Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг меъморий музейи билан танишишдан бошланди. Александр Лукашенко аллома Мирзо Улуғбек хайкали пойига гуллар қўйди. Яқинда таваллуднинг 600 йиллиги мамлакатимиз халқи ва жаҳон жамоатчилиғи томонидан кенг нишонланган олим ва давлат арбоби Улуғбек ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий кўргазмалар, нодир ёдгорликлар ҳамда қайта таъмирланган расадхона Александр Лукашенкода катта қизиқиш уйғотди.

Шаҳардаги Сиёб дехон бозорига ташриф пайтида меҳмонлар ҳақиқий Шарқ бозорининг нозу-неъматларини кўздан кечириб экан, ўзларнинг хайрат ва ҳавасларини яширдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан учрашувимиз чоғида икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ҳақида келишиб олдик. -- деди Беларус Республикаси Президенти журналистлар билан суҳбатда. -- Бу борада ўн саккизта ҳужжат имзолангани Ўзбекистон билан Беларус бир-бири учун нечоғлик зарур ҳамкорлар эканини тасдиқлайди. Мазкур имзоланган ҳужжатларнинг бирортаси ҳам қозғола қилиб кетмаслиғига ишончим комил. Ислам Каримов билан бўлган суҳбатим ва мамлакатимиз кишилари билан яқиндан танишганидан сўнг ана шунга амин бўлидим.

Меҳмонлар соҳибқирон Амир Темури макбарасини ҳам зиёрат этдилар.

Самарқанд вилояти ҳокими Беларус Республикаси Президенти шарафига тантанали қабул маросимини уюштирди.

Шу кунини Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди ва у Ватанига жўнаб кетди. Уни Самарқанд аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Александр ЛУКАШЕНКО: «БИЗ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИДАН БОРАМИЗ»

Ўзбекистон ва Беларус халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлик алоқалари тарихи узок йилларга бориб тақалади. Истиқлолга эришиб, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида илк дадил қадамлар қўяётган икки дўст мамлакат айни замонда янги асосдаги мустақам ҳамкорликка эҳтиж сезмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов икки мамлакат расмий делегациялари музокаралари қўнғунда, маҳаллий ва хорижий мамлакатлар журналистлари билан учрашув чоғида бу эҳтижнинг инобатга олган ҳолда ҳаракат қилиш халқларимиз манфаатлари нис қилганини тасдиқлаб ўтди.

Беларус Республикаси Президенти Ислам Каримов фикрини тасдиқлаб экан, Ўзбекистон пахтасининг мамлакатга келтирилиши Беларус енгил саноат мажмуида меҳнат қилётган хотин-қизлар учун катта соғва бўлишини айтди. Зеро, бу мамлакатдаги минглаб аёлларнинг иш билан таъминлаши имконини беради. Беларус раҳбари ўз мамлакатининг ҳамкорлик ҳақидаги тақдирлари Ўзбекистон раҳбарияти томонидан тўла тушуниш ва қўллаб-қувватлашга сазовор бўлгани ҳақида сўзлар экан, халқ кен қаерда ишга бундай амалий ёндашувга дуч келмаганини айтди.

-- Бу биз ерда тартиб ва интизомни, Ўзбекистон тисмолида донолик билан бошқарилаётган мамлакатни кўрдик, -- деди Беларус раҳбари. -- Бу Президент Ислам Каримовнинг узокни кура бўлишини, ислохотларни ўтказишини у ишлаб чиққан назарияси тўғрисида тасдиқлайди. Биз Ислам Каримовни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш гоёси назарийоти сифатида ҳурмат қилишимиз ва ўз мамлакатимизда ислохотларни ўтказишда Ўзбекистон тажрибасига таянамиз. Шу ўринда Ислам Каримовдек раҳбар пешонасига битган Ўзбекистон халқининг омади борлигини тасдиқлашни истардим. Биз бу зўро раҳбар юрис-таётган сивасатини, унинг Марка-

зий Осиёда ҳамда Хамдўстлик мамлакатларида тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиш юзасидан кўрсатган ташаббус ва амалга ошираётган ишларини қўллаб-қувватлаймиз.

Беларуслик журналист Президент А. Лукашенкодан ислохотларни амалга оширишнинг Ўзбекистон йўли қандай жиҳатлари билан афзал эканини сўради. Беларус раҳбари бунга жавобан ислохотларни амалга оширишда Президент Ислам Каримов тасдиқлаган беш тамойилни кайд этди. У, жумладан, ислохотларни амалга оширишда «фалаж қилиб даволаш» усулини қўллаб бўлмастлигини, давлат ислохотларини ташаббусқори бўлиши лозимлигини, бозор муносабатларига босқич-ма-босқич ўтиш, бу даврда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ибратли эканини тасдиқлади.

Беларус Президентининг сўзларини тинглаб, Ўзбекистон ўзига ҳос ва ўзига мос тараккиёт йўлини танлагани ҳақида гап кетганда, аввалига бунга ишонқирамай қараганлар ҳам бўлгани эста тушди. Мана, ватанимиз ўз йўлини танлаганига эътиборини ўйин бўлди. Лекин танлаган йўлини тўғрилиғи аллақачон аён бўла бошлади. Ҳатто, айрим мамлакатлар бу йўлни ўзларига андоза сифатида қабул қилмоқдалар.

Ислам Каримов хорижий журналистларнинг Ўзбекистонда 25 декабрда ўтказилажак парламент сайловини хусусидаги саволларига ҳам атрафлича жавоб берди. Кўпартлийлик асосидаги бўлажак сайловнинг демократик моҳиятига тўхтади.

Ўзбекистон Президентини ва Беларус давлат раҳбари журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

АМИРҲУЛ ҚАРИМОВ (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ»НИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиғи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жамоат тартибини ва ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг паспортини жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида» 1992 йил 13 ноябрда чиқарган қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари учун паспортларнинг бланкларини тайёрлаш борасидаги тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низоми» тасдиқлансин.
3. «Хорижий шахсларга, фуқаролиғи бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиғи бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низоми» тасдиқлансин.
4. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низоми» амалга киритилсин ва 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига паспортлар бериш, шунингдек босқичма-босқич алмаштириш таъминлансин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортларини алмаштириш 2000 йилнинг 1 январига ниҳоясига етказилсин.

Биринчи навбатда 16 ёшга тўлган, муддатий ўтиб кетган паспорт бўлган, фамилияси, исми шарифини ёки миллатини ўзгартирмоқчи бўлган тақдирда, шунингдек, паспортни йўқотган ва чет элга жўнаб кетилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг фуқаросининг паспортини бериш кўзда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиғида бўлган паспортларнинг янги нусадаги паспортларга алмаштиришнинг бутун даври мобайнида сақлаб қолинсин.

6. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низоми» амалга киритиш бўйича республика комиссиясининг таркиби тасдиқлансин. Комиссия зиммасига Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортларини бериш ва алмаштириш борасидаги барча теъроҳ ва жорий масалаларни ҳал қилиш вазифаси юксатсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Вазирилар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилисин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **П. ҚАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 1994 йил 23 декабрь

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортларини бериш ва алмаштириш борасидаги барча теъроҳ ва жорий масалаларни ҳал қилиш вазифаси юксатсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Вазирилар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилисин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **П. ҚАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 1994 йил 23 декабрь

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА ЭРКИН САЙЛОВЛАР



носабатлар борасида халқаро майдондаги маъки тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистонга ҳавас билан қаровчилар сонини кўпаймоқда. Алар мамлакатимизда демократик жараён илдам қадамлар билан жадаллашганлигини аниқ ҳис этмоқдалар.

Шу йилнинг 14--16 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари семинар-кеңашига сўзлаган нутқида Конрад Арденаур жағмармасининг вакили Седат Акай шундай деди: «Биласизки, Ўзбекистон раҳбарлари йўлбошчилигида демократия ривожланипти ва олға силжияпти.

Демократиянинг дастлабки қадамлари халқнинг мустақам сабр-қаноати билан амалга осяпти. Бу йўлни сайлаш ва сайлашни ҳуқуқи аниқ кўрсатади.

Мен мамлакатнинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш бўйича қабул қилинган қонунларни диққат билан ўрганиб чиқдим. Қисқа бир давр ичида мамлакат тараккиётнинг демократик йўлига тушди ва бу бизни жуда хурсанд қилади».

Дарҳақиқат, демократик асосдаги янги парламент сайланиши билан Ўзбекистон тари-

ҳида ўзгача давр бошланади. Халқимиз Олий Мажлисдан иқтисодийни тезроқ барқарорлаштиришга, маънавиятни янада қамол топтиришга ҳизмат қиладиган муқаммал ҳужжатлар кутади. Мазкур сайловларда сайланадиган халқ депутатлари зиммаларида нафақат ҳозирги, балки, келгуси авлод олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этишдек буюк вазифа турганлигини ҳам пухта англайдилар.

Шунинг учун ҳам республикада давлат мустақиллигини, демократияни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий жамяят барпо этиш йўлидан изчиллик билан бориб, сўнгги йиллар ичида сайлов тизимини ислох қилишга қаратилган катта ишлар амалга оширилди. Бу масала билан Олий Кенгаш раёсати ва кўмиталари, таниқли ҳуқуқшунос олимлар шўғулландилар. Хорижий мамлакатлар тажрибасини синчковлик билан ўрганиш, натижада, ривожланган мамлакатлар қонун-ҳужжатларининг муҳим нормаларини ўз ичига олган, айни пайтда, ўзбек халқи аънаваларига таянган янги ҳақ сайлов тизими вужудга келди.

Шуни айтиш керакки, тинчлик, хотиржамлик, осяишталлик барқарор бўлган республиканиннинг барча вилоятлари қа-

тори пойтахт вилояти меҳнатқиларни ҳам бу гағли сайловларнинг ўзгача шўхунини ҳис этмоқдалар ва унга муносиб ҳо-дирлик билан келдилар.

-- Сайлов арафасида ҳўжалигимизнинг қатор участкалари табиғий газ билан таъминланди, -- дейди Бўка туманидаги Йўлдош Ҳожиматов номли жамоа ҳўжалиғи механизатори Саттор Жўраев номзодлар билан учрашув чоғида, -- тўғрисида айтиш керак, бу биз учун орзу эди, туман ҳокимлигининг ҳўжалик бошқаруви раҳбарларининг жонқуяриғи, гағхўрлиғи тўғрисида бу иш амалга оширилди. Келгусида қолган участкаларни ҳам газлаштириш режалари бошқарувимиз томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Муҳим кампанияга тайёргарлик жараёнида Чирчиқ шаҳрида ҳам қатор қорхоналар иқтисодий ислохотларни фаоллик билан амалга ошира бориб, меҳнатда муносиб ютуқларга эришдилар. Хусусан, Чирчиқ трансформатор заводида трансформаторларнинг янги ҳақ турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Лампочкалар тайёрлайдиган янги линиялар ишга тушди. Юкоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Бўстонлик туманларида янги кичик қорхоналар иш бошлади. Бўка туманида тўғруқо-

на, оталар чойхонаси фойдаланишга топширилди.

Вилоят меҳнатқиларни фақат ишлаб чиқариш борасидагина ютуқларга эришиб қолмай, ўзларининг гоёвий дунёқарашлари, мағфурвий савияларини ошириш борасида ҳам олдинга томон дадил қадам ташлаганликларини намоён қилмоқдалар. Сайловлар жараёни бунини яққол кўрсатди. Номзодлар билан учрашувларда сўзга чиққан ишчилар, дала меҳнатқилари, республикада Президентимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган адолатли сивасат халқимизни иқтисодий танглидан тезроқ ҳоли этишга йўналтирилганлигини, қабул қилинган фармонлар ва қарорлар эл-юртимиз манфаати учун ҳизмат қилаётганлигини алоҳида эътироф этдилар. Айниқса, улар бозор иқтисодий шароитида маҳалаларда ночор ҳолга тушиб қолган оилаларни, етим-есирларни, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, бутун республикада «Соғлом авлод учун» кураш ҳаракатини кенг йўлга қўйиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг долзарблиғига, муҳимлиғига ўз эътиборларини қаратдилар. Учрашувлар чоғида сайловчилар бўлажак депутатларнинг мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодий, маданиятини ривожланти-

риш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ фаолиятларини кенг қўлама йўлга қўйишларига умид боғлаётганликларини билдирдилар.

Шўбха йўқки, янги сайланадиган депутатлар ўзларининг куч ва гайратлари, билим ва маҳкаларини ана шу ишга сарфлаган ҳолда ўз бурчларини сарфлаган билан бажариб, халқимизнинг муносиб ишончига сазовор бўладилар.

ОҚҚЎРФОН туманидаги Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 174-сайлов округида бу муҳим кампанияга пухта ҳозирлик қўрилди. Округ сайлов комиссиясининг фаоллиғи тўғрисида барча участкаларда ташкилий тадбирлар қонунда белгиланган тартибда ўз вақтида амалга оширилди.

Суратда: (ўнгдан чағга) округ сайлов комиссияси аъзоси В. Ҳафизов, комиссия раиси В. Жалолов, унинг муовини Н. Мирзақулов ҳамда комиссия аъзоси Р. Низомаевлар эртага бўладиган сайловлар олдида ўзаро мулоқотда.

Х. АВВАЛОВ суратга олган.



Эртага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар куни

Сайлов арафасидаги суҳбатлар

Сўнгги босқич МАСЪУЛИЯТИ

МУСТАКИЛ республикамиз ҳаётида биринчи бор кўп-партиялик асосида ўтаётган сайловларга бир кунгина қолади. Бу муҳим кампания арафасида махсус мухбиримиз Окжўрғон туманида бўлиб, турли тоифадан кишилар билан суҳбатлашди. Уларнинг ҳар бирига «Сайловда фикр-мулоҳазаларингиз қандай?» деган савол билан мурожаат қилди. Қуйида ана шу саволга олинган жавоблар эътиборингизга ҳавола этилади.

Нодира ҲОЛОВ, туман сайлов комиссияси котиби:

... Биз сайловлар кампаниясининг сўнгги босқичига кирдик. Ҳали зиммамиздаги масъулиятли имтиҳон давом этмоқда. Унинг самараси эртага ҳудудимиздаги барча сайлов округлари ва участкаларида халқимизнинг муносиб фарзандларига овоз беришга шай турган 40 минг нафар сайловчиларнинг фаоллик даражасини бағрикел бўлади. Сайлов ўтаётган округлар ва участкалар тахлитига биз тўла ишонч ҳосил қилганмиз. Шунинг учун айтишим керакки, жойларда уюшқонликни таъминлашда туман кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси раиси С.Холиқова, туман таъшилий бўлимининг мудир С. Ахтанов, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 174-округ сайлов комиссияси раиси В.Жалолов, комиссия аъзоси В.Ҳафизовларнинг ҳисси анча катта бўлди. Улар Олий Мажлисга ва маҳаллий Кенгашларга номзодлари кўрсатилган кишилар билан сайловчиларнинг учрашувларини тенг шартда ташкил этишда фаоллик билан ишладилар. Учрашувлар самимий тарзда, ишанчли руҳда ўтказилди, ҳаммамизни қувонтирди. Бундай мулоқотлар чоғида сўзга чиққан сайловчилар Президентимиз ва ҳукуматимиз меҳнатқашлар манфаати йўлида амалга оширатган

оқилона сиёсатни қўллаб-қувватлаётганини, бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида иқтисодий тангликдан бизни факат фидойи меҳнатгина ҳоли этиши мумкинлигини таъкидлаётганликларни дилларда мамнунлик уйғотди.

Шунингдек, улар мамлакатимизда барқарор бўлиб турган тинчлик-ҳотиржамлик, оқойишталикни мустақамлашга ҳисса қўшадиларини изҳор этдилар.

Туманимизда барча округлар, сайлов участкалари юқорида айтганимиздек, тахт қилиб қўйилди. Шубҳа йўқки, сайловчилар эртага Комиссияда ифода этилган ҳуқуқ бурчларини бажонидил бажариб, муносиб номзодларга овоз берадилар.

Усмонали САИДАҲМЕДОВ, 28-сайлов участкаси раиси:

... Ҳозиргина участкани айланиб келдим. Беморлар, бошқа бир сабаб билан юртолмай қолганларни яна бир бор аниқладим. Мазкур сайлов участкамиз жойлашган Сегизбобов номида халқ корпорациясида эртага овоз берадиган 925 нафар сайловчида 5 нафаргина шундай кишилар эканлиги маълум бўлди. Уларга овоз беришлари учун кўти юборилди.

Халқимиз ҳаётидаги бу муҳим кампанияга ҳозирлик қилишда 31-мактаб жамоаси катта ёрдам берди. Рўйхатларга олишда, айнакча, Шохда Сулаймонова, Раёно Қаландарова, Фарида

Мадризаевалар мунтазам кўмаклашганликларини қайд қилмоқчиман.

Участкамиз аъзоларига «Шоҳрухия» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Одилов Комиллов ҳам доимо ёрдам бериб келмоқда. Биз сайлов участкасида Олий Мажлисга ва вилоят, туман кенгашларига кўрсатилган номзодлар учун овоз берамиз. Шу кунгача ҳудудимиздаги аҳоли номзодлар билан учрашдилар, уларга овоз бериш тартиби ҳақида пухта маълумотлар батафсил тушунтирилди. Сайловларни уюшқонлик билан ўтказиб олишимизга шубҳа йўқ.

Ботир БОБОҲАЙТОВ, меҳнат фахрийси:

... Ёшим 94 га кирди. Худода шукр, ҳали тетикман. Уч-тўрт кун илгари туманимиз фахрийларининг каттақони Йўлдошовой йиғилишга чақириб қолди. Борсам, мен тенги, мендан сал ёшроқлардан талаби тўндалди. Барака тоғпур ҳокимлик бизни доим иззат-иқромда тутди. Туман ҳокими бир пиеда чой устида кўплар катори ҳаммамизнинг кўрагимизга «Шўхрат» медалини тақиб қўйди.

... Отақонлар, уруш йилларида фронт оқсида қилган меҳнатингиз эвазига бу муқофотлар, -- деди у.

Ҳаммамиз қўл очиб Президентимиз, ҳукуматимиз раҳбарларини узоқ дуо қилдик. Кейин ҳар биримизга яна савгалар улаштирди. Қўнғилими кўтарилиб, миннатдор бўлиб қайдик.

Бунақа учрашувлар ҳар йили тез-тез бўлиб турибди. Биз қариюрларни унутмай эъзозлаётганларнинг умрлари узун бўлсин.

Энди сайловлар ҳақидаги гапимга ўтай. Бу йил тандаб, энг муносибни сайлаш эрки берилгани яхши бўлди. Эртага шундай янги сайлашимиз, улар

халққа қайишадиган, ишбилармон, билимли кишилар бўлиши керак, албатта. Шундай одамларни сайласак, турмушимиз яхшиланиб бораверади.

Одил СУЛТОНОВ, «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

... Хизматим бўйича ҳар кун аҳоли орасидан. Номзодлар билан учрашувлар пайтида бўлажак депутатлар дастурларини тинглаб бордим. Ҳаммасида яхши режалар белгиланган. Кейинги йилларда «Оқжўрғон» ширкатлар бирлашмасида кўп ишлар қилинганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ишчи уринлари қўнайди. Кичик сут заводи, қурилиш материаллари цехлари, тикувчилик цехи ишга туширилди. Энди ёғи заводини эрта-индин фойдаланишга топширишга ҳозирлик қилинган. Бу корхоналар 40 га яқин кишини ишга жалб этиш имкониятини берди. Сайловлар арафасида булар ҳақида гапиратганимнинг боиси бор. Яқинда Эркин Абдурахимов комиссия раиси этиб сайланган 35-сайлов округидан ҳамда 19-сайлов участкасида номзодлар билан учрашув чоғида ишчи уринлари ҳақида ҳам гап борди. Шунда номзодлар фойдаланишга топширилган кичик корхоналардан ташқари туман ҳокимлиги «Оқжўрғон» ширкатлар бирлашмаси бошқаруви ёрдамида яна шундай жойларни қўлайитириш ниятида энқликларини айтилди. Фуқаролар йиғини ҳам қараб турмайдим. Бу ишларга бош қўшамиз. Эртанги сайловларнинг уюшқонлик билан ўтишида ҳам муносиб улшимиз бўлади.



ЭРТАГА бўладиган сайловларни вилоятимизда ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш учун пухта тайёргарлик қилинди. Хусусан, бу ишга дахлдор барча бўлим ва бошқармалар, ташкилотлар олдидан бағиланган таъбирлар асосида иш олиб бормоқдалар. Биз сайлов орасида бу ишларга мутасадди бўлган айрим раҳбарлар билан суҳбатлашдик:

З. СОЛПҲОВ, Вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиги:

... Бошқармамизда республикамиз тарихида биринчи марта кўппартиялик асосида ўтказилаётган демократик сайловлар моҳиятини халқимизга етказиш учун кўтаринки руҳда ўтказиш учун пухта таъбирлар ишлаб чиқилди. Сайлов олдидан жойларда ҳуқуқшунослар, олимлар широкда кўплаб учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди. Айнакча вилоят «Турон» кутубхонасида «Нурли манзил сари» мавзусидаги китобхоналар конференцияси, Қўбрай туманининг «Дўрмон», «Кипчоқ» қишлоғи маданият уйларида «Ижтимоий адолат тасоювилари», Бўстонлик тумани марказий маданият уйида «Обод қишлоқ, бадавлат дехон, чиройли турмуш учун», Паркент туманида «Бир ўлкаки...», «Йўл берганга, қўл бер», «Самарали ишлар, салмоқли юмталар». Зангиота тумани маданият уйларида «Бу Ватан барчамизники», «Халқимизнинг муносиб номзодлари учун овоз бер

райлик» каби мавзуларидаги ўтказилган оммавий таъбирлар кизиқари ўтди.

25 декабрь куни ҳам вилоят маданият муассасаларининг барча бадий хаваскорлик жамоалари сайлов участкаларида ўз санъат

катор ишларни амалга оширдилар. 25 декабрь куни 178 та сайлов участкаларида савдо хизмати кўрсатилади. Ҳар бир сайлов участкасида махсус дўконлар бириктирилган. «Кийим» ҳамда «Маданий моллар» улгуржи савдо омборларидан дўконларга 7 минг метрдан зиёроқ турли рангдаги газмоллар, 600 минг сўмлик канцелярия моллари, қоғоз, қалам ва бошқа кўп турдаги моллар ажратилди. Сайлов участкалари ушбу молларни хоҳлаган вақтда, керакли

Келес шаҳри худудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 4-сайлов участкасида барча ишлар тартибли ҳамда пухта ташкил этилди. Суратда: (ўнгдан чапга) мазкур участка сайлов комиссияси аъзолари А. Ҳожимбетова, М. Хусанова, Ф. Носиров, М. Соатовалар ўза-ро суҳбатда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

БУЛАР ХИЗМАТДА БЎЛИШАДИ

Ҳ. ТУРСУНОВ, «Тошкентвилоятсавдо» концерни раиси:

... Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ва маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловларга вилоят шаҳар савдо корхоналари ҳам жойлардаги ҳокимликлар билан келишилган ҳолда бир

миқдорда олишлари мумкин. Шунингдек, сайлов кунини аҳолига энг зарур турли савдо, озиқ-овқат молларини сотиш билан бирга, концернимизга қаршили ишлаб чиқариш цехларида тайёрланган ҳар хил пиширилган, қандолат махсулотлари, иссиқ нон, ичимликлар билан ҳам савдо қилинади.

Ҳ. МАДУМАРОВ, Вилоят матбуот жамиятлари уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи муовини:
... Вилоят матбуот жамиятлари уюшмаси томонидан сайлов участкаларини турли хил зарур анжомлар билан таъминлаш уюшмасидан катор таъбирлар амалга оширилди. Сайлов участкалари хоналари бешаш учун кўп миқдорда жиҳозлар ажратилди. Округлар ва сайлов участкалари Ўзбекистон Конституцияси, сайловлар ҳақидаги қонунлар, рисолалари ва бошқа зарур адабиётлар билан таъминланди. Сайловлар кунинда сз кооператорларимиз меҳнатқашлар хизматида бўладилар. Барча туманларда кўча савдолар уюштирилди. Ҳар бир сайлов участкаси ҳузурида умумий оққатлиши корхоналарида тайёрланган таомлар, салқин ичимликлар ва бошқа озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж махсулотлари билан савдо қилувчи буфетлар ишлаб туради. Бундан ташқари, жойларда нозик-овқат молларини, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини сотиш бўйича ярмаркалар ташкил этилади. Шунингдек, автодўконлар ҳам хизмат кўрсатади. Умумхалқ байрами кунини бундай дўконлар сонин 70 тага етди. Вилоятимиз кооператорлари демократик сайловлар кунини меҳнатқашлар учун ҳар томонлама намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

ТВ ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 26

- УзТВ I
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 «Зумрад ва Қиммат». Мультфильм.
- 18.20 «Ислоҳот одимлари».
- 18.55 Эълонлар.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 Эълонлар.
- 19.25 «Осийшталлик посбонлари». Республика йўқи ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
- 19.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган ҳар жамоасининг ҳисобот концерти.
- 20.10 Оқшом эртақлари.
- 20.25 Эълонлар.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 «Амир Темур ҳақидан давлалар».
- 21.50 «Санъатимиз даргалари». Халқ артисти Ҳалима Носирова.
- 23.00 — 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЧОРШАНБА, 28

- УзТВ I
- 7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
- 9.00 «Қароқчи қоллар». Бадий фильм.
- 10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
- 11.00 Янги алифбони урганамиз.
- 11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
- 12.00 «Мерос». Қорақалпоқ адабиётининг классиги Ажниниёз таваллудининг 170 йиллигига.
- 12.45 «Ислоҳот ҳақида суҳбат».
- 13.15 — 14.30 «Ёшлик» студияси. «Даврага кел, дўгонажон».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 «Тошкентдан гапирамиз».
- 18.40 «Дехон манфаатини кузлаб».
- 18.55 Эълонлар.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 Эълонлар.
- 19.25 Мусиқий дақиқалар.
- 19.40 «ОМАД» таништиради.
- «Дўстлик ришталари».
- 20.10 Оқшом эртақлари.
- 20.25 Эълонлар.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 «Мустақиллик одимлари».
- «Ўзбектеатр» махсулотлари.
- 21.55 М. Бафоев, Ю. Исмаилов. «Улугбек буржи». «Тановар» миллий рақс ансамблининг телевизион балет спектакли.
- 23.40 — 00.05 «Ўзбекистон» ахбороти.

ПАЙШАНБА, 29

- УзТВ I
- 7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
- 9.00 «Ёшлик» студияси. «Зиё».
- 10.00 «Ўқув кўрсатуви. Сизлар учун!».
- 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ким?».
- 11.00 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
- 11.15 Мусиқий дақиқалар.
- 11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
- 12.00 — 14.00 «Тимсол» видеоканали.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 «Тошкентдан гапирамиз».
- 2-кўрсатув.
- «Бир жуфт қушиқ».
- 18.55 Эълонлар.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 Эълонлар.
- 19.25 «Кўвшли эл фарзандиман». Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ижодхонасида.
- 20.10 Оқшом эртақлари.
- 20.25 Эълонлар.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 Юнус Ражабий номидаги макомчилар ансамблининг ҳисобот концерти.
- 22.00 «Тадқир ҳазили ёки Қушдек энгил булинг». Бадий фильм. 1-серия.
- 23.05 — 23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЖУМА, 30

- УзТВ I
- 7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
- 9.00 Болалар учун. «Янги йил эртаги». Телевизион ролик.
- 10.00 «Мен буюқ юрт углидурман». Адабий кўрсатув.
- 10.30 «Ёшлик» студияси. «Янги йил арафасида».
- 11.30 Усмирлар учун. «Умид учкунлари».
- 12.05 «Ҳаёт». Публицистик кўрсатув.
- 12.45 — 13.45 Ёш ижодкорлар концерти.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 «Уйинқароқ болалар». Мультфильм.
- 18.20 «Ҳаммаслар».
- 18.50 Спорт хабарномаси.
- 18.55 Эълонлар.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 Эълонлар.
- 19.25 «Парвоз» эстрада гуруҳи концерти.
- 19.40 «Йилнинг муҳим халқаро воқеалари».
- 20.10 Оқшом эртақлари.
- 20.25 Эълонлар.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 «Шум болалар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
- 22.00 «Тадқир ҳазили ёки Қушдек энгил булинг». Бадий фильм. 2-серия.
- 23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ШАНБА, 31

- УзТВ I
- 7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
- 9.00 «Қор маликаси». Бадий фильм.
- 10.25 «Янги йилнинг — яхши йил».
- 10.55 «Бир жуфт қушиқ».
- 11.05 Муродбой Низоов, Меҳмонкул Исмоилқулов, Навоёв Нусха». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
- 12.30 «Ёшлик» студияси. «Ёшлар базми». 1-қисм.
- 13.30 «Бир жуфт қушиқ».
- 13.40 — 14.40 «Шунчаки ҳазил».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Лизикова кучасида яшовчи мушукча». Мультфильм.
- 18.10 «Гулгунчалар». 1-қисм.
- 18.30 «Тошкент» раққослар гуруҳи.
- 18.55 Эълонлар.
- 19.00 «1994 йил — «Ахборот» шарҳи (рус тилида).
- 19.40 «Гулгунчалар». 2-қисм.
- 20.00 «Экран куйлари». Киноконцерт.
- 20.30 «Йилнома».
- 20.45 ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ.
- 20.55 «Барча табрик Сизга бўлсин!» Янги йил байрам дам олиш дастури. 2-қисм.
- 01.05 «Йилнома».
- 02.05 Эстрада калейдоскопи.
- 02.45 «Лирик тароналар оғушида». Тунги концерт.

УзТВ II

- «ОМАД» таништиради: 21.30 «Кимга қанақа?» 22.00 «Ҳақорлик ришталари».
- 22.30 Эълонлар.
- 22.35 «Даррақич».
- 22.45 — 00.25 Видео — «О».
- «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 — 9.00 «Тонг».
- 18.00 «Инсон ва қонун».
- 18.30 «Россия тароналари».
- 18.45 «Ким аслида ким?» ХХ аср. Луи де Фюнес.
- 18.50 Янгиликлар.
- 19.00 «Бомонд».
- 19.25 «Шаддод Роза». Телесериял.
- 20.00 «Серпандин». Кўрсатуви М. Захаров олиб боради.
- 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 21.00 «Время».
- 21.40 «Москва. Кремль».
- 22.00 — 23.15 «Мени узинг билан олиб кет». Бадий фильм.

УзТВ III

- 15.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
- 15.55 — 17.35 «Кинонигоҳ».
- 18.30 — 04.00 «Тошкент» студияси «ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИ-ДА» видеоканалига тақлиф этади.
- УзТВ III
- 10.00 «Нега қиш булади?» Фильм-концерт.
- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
- 10.30 «Синема». Европанинг энг яхши фильмлари. 1994 йил.
- 11.00 — 11.40 Европа эстрадаси юлдустлари.
- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
- 19.40 «Мульткарусель».
- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
- 19.50 «Ўзбекистон — қардон уйимиз». Интермарказлар билан Янги йил учрашуви.
- 20.35 Дўстларимиз табриклари.
- 20.45 «Колумб кашф этган дивер». 2-фильм. Нью-Йорк.
- 21.30 Дўстларимиз табриклари.
- 21.40 «Навоий-Зарафшон». Янги йил учрашувлари.
- 22.25 Дўстларимиз табриклари.
- 22.35 «Қалбим қури». О. Акчури куйлайди.
- 23.15 «Қўнғил кўприклари».
- 23.45 Янги йил кутлови.
- 00.05 «Кор фантазияси».
- 00.20 «Кинескоп». Жаҳон киноси ва мультпликацияси тарихи.
- 01.00 Дўстларимиз табриклари.
- 01.10 «Бу ажиб дунё».
- 01.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
- 01.40 Дўстларимиз табриклари.
- 01.05 — 02.40 Шерхон Хуришд куйлайди.
- «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
- 18.00 «Париз-Гранда» — Даркар» раллиси.
- 18.05 «Рояль казиноси». Бадий фильм (АҚШ, «Колумбия пикчерс»).
- УзТВ III
- 10.00 Болалар учун фильм. «Монхгаузен саргузаштлари».
- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
- 10.40 «Подиум». Янги йил кўрсатуви.
- 11.00 «Колумб кашф этган дивер». 3-фильм. Сан-Диего.
- 11.45 — 12.30 «Барча юлдустлар». Гленн Миллер.
- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
- 19.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
- 20.10 «Дурларин» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
- 21.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.
- 21.20 — 00.50 «Биз бир-биримизни шунчалар севардик...» Москвада Янги йил учрашуви (31 декабрдаги кўрсатув эъиб олинган).
- «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
- 17.40 «1994 йил қушиқлари». Телевизион фестивал. Янги йил кўрсатувининг давоми.
- 19.50 «Бир учрашув тарихи». Г. Хазанов ва П. Измайлов.
- 20.20 «1994 йил қушиқлари». Телевизион фестивал. Янги йил кўрсатувининг давоми.
- 22.00 — 22.50 «Яқшанба».

СЕШАНБА, 27

- УзТВ I
- 7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
- 9.00 «Бир дунё болаларимиз».
- 9.40 «Ёшлик» студияси. «Факрилар» — фахримиз».
- 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
- 11.00 Немис тили.
- 11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
- 12.00 — 14.00 «Биз танлаган йул». Видеоканал.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 «Истиклол нишонлари».
- 18.50 Спорт хабарномаси.
- 18.55 Эълонлар.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 Эълонлар.
- 19.25 Замира Қулабдуллаева куйлайди.
- 19.50 Асқад Мухтор. «Умр». Адабий композиция.
- 20.10 Оқшом эртақлари.
- 20.25 Эълонлар.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 «Д. Д. Д. ва бошқалар».
- 21.00 «Кино, кино, кино...».
- 22.50 — 23.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II

- «ОМАД» таништиради: 18.30 «Мультфильм».
- 19.15 «Сир эмас...».
- 19.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
- 20.00 «Видеогид».
- 20.20 «Теле — атеље — шоу».
- 20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
- 21.10 — 22.50 «Кинонигоҳ».
- УзТВ III
- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
- 19.40 «Мульткарусель».
- 19.50 «Инсон ва қонун» кўрсатуви почтасида.
- ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
- 20.40 «Уорднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
- 20.45 «Дурларин» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
- 21.45 «Колумб кашф этган дивер». 1-фильм. Вашингтон.
- 22.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
- 22.50 «Бу ажиб дунё».
- 23.10 — 23.50 «Вариацияли мавзу». Сартарошларнинг халқро танлови.
- «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 — 9.00 «Тонг».
- 18.00 «Рус олами».
- 18.30 «СБ» жумбоғи».
- 18.45 «Ким аслида ким?» ХХ аср. П. Врангел».
- 18.50 Янгиликлар.
- 19.00 «Тигиз пайт».
- 19.25 «Шаддод Роза». Телесериял.
- 21.40 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
- 21.00 «Время».
- 21.40 «Илк манабдан».
- 21.50 — 23.45 Галабанин 50 йиллигига. «Тирикларни чорлаймиз». «Инсон тақдирини». Бадий фильм («Масфийм», 1959 й).

УзТВ II

- «Тошкент» студияси таништиради: 18.30 «Дарга қўнғироқ».
- 19.00 «Оқ соя».
- 19.30 «Бизинс — банк».
- 19.45 «Едингами, дўстим...».
- 20.00 «Тошкент оқшомиди».
- 21.00 — 21.40 «Киносўхатчилар клуби» — студиямиз меҳмони».
- УзТВ III
- 18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
- 19.40 «Мульткарусель».
- 19.50 «Чорраха».
- 20.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
- 21.10 — 00.10 «ОМАД» таништиради: «Китъа спорти».
- «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 — 9.00 «Тонг».
- 18.00 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
- 18.45 «Ким аслида ким?» ХХ аср. Э. Карузо.
- 18.50 Янгиликлар.
- 19.00 «Тигиз пайт».
- 19.30 «Шаддод Роза». Телесериял.
- 19.55 «Қишлоқ ҳаёти» Ю. Черниченко билан».
- 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 21.00 «Время».

УзТВ II

- «ОМАД» таништиради: 18.30 «Омад» тақвими.
- 18

ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИ ДҶУКОН

ТОШКЕНТ. Ҳасанбой қишлоғида халқа йўли ёқасида Усмон ота фирмасининг янги дўкони очилди. Дўконни тадбиркор Фафур Ёқубов қуриб битказди. Ҳасанбойликлар ва йўловчилар бу дўкондан турли туман озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш билан бирга қўли ва тили ширин моҳир пазандалар тайёрлаган тотли таомлардан танавул қилишлари мумкин.

ХУСУСИЙ ДОРИХОНА ИШГА ТУШДИ

Шу тумандаги Гиёс Умаров номли жамоа хўжалиги марказида янги хусусий дорихона ишга тушди. Бу билан хўжалик аҳлига яна бир қўлайлик яратилди. Дорихонанинг ишга тушишида Масалбой қишлоқ кенгаши ва хўжалик бошқаруви кўшма ҳиссаси катта бўлди.

Мақсадимиз, ҳозирги дори-дармон тақчил бир даврда халқнинг узоғини яқин қилиб, дори-дармонга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, -- дейди дорихона мудираси Шоира Тўлаганова.

ДАРДНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

ОҲАНГАРОН. Тумандаги марказлашган стоматология поликлиникаси ходимлари яхши ташаббус билан чиқдилар. Поликлиника мутахассислари тумандаги бир қатор йирик корхоналарга ва катта аҳоли пунктларига бориб беморларни ўша жойнинг ўзида даволайдиган бўлдилар. Бу билан аҳолининг сарсонгарчилигига ҳам барҳам берилиб, ишчиларнинг вақтини ҳам анча тежаш имкони туғилди. Бундан ҳамма хурсанд, харқалай дарднинг олдини олган яхши-да.

А.РАИМОВ

ЭЛИМ ДЕГАН ТАДБИРКОР

ЗАНГИОТА. Туманнинг «Назарбек» қишлоғида ёғоч аралаш кўрғони бор эди. Совхозда проараб бўлиб ишлаб келган Азизбек Абдумаликов бу жойни яқинда 1 гектар ер майдони билан хусусий мулк қилиб сотиб олди. Тадбиркор йигит ишни тезда жонлантириб юборди. Цемент қоришмасидан катта қолипда гишт тайёрлаб иморат қурувчиларга ёрдам бера бошлади.

Бу ерда кейинчалик бинокорлик материалларидан ташқари мебель қурилмалари ва бошқа уй анжомлари ҳам ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

П. СУПТОНОВ.

КИЧИК КОРХОНА КЕНГАЙМОҚДА

КИБРАЙ. Туман меҳнат биржаси қошида «Эрнафар» кичик корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу корхонада тўқувчилик-тикувчилик ишлари бажарилади, ҳамда сопол буюмлар ишлаб чиқарилади. Корхонанинг ўзида тикувчилик ва тўқувчилик бўйича ўқув курслари ҳам ташкил топди. Айни пайтда ўқишга ишсизлик мақомини олган йигит ва қизлар жалб қилинди.

Кичик корхона ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида «Темир қадам» жамоа хўжалигида, Чинобод, Байтқўрғон қишлоқлари ўрамини да бошқа жойларда ўз шохобчаларини очмоқда.

ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЕР УЧАСТКАЛАРИ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ, СОТИБ ОЛИНГ!

Тошкент вилоятида уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалигини олиб боришга мўлжалланган ер участкаларининг биринчи марта очiq ким ошди савдосини уюштиришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Тошкент вилояти, Қибрай тумани «Дўрмон» жамоа хўжалигидаги Матқобулов қишлоқ фуқаролар йиғини «Юбилей» маҳалласидаги ҳар бирининг майдони 6 сотихдан бўлган 5 та ер участкасини сотишга қўймоқда.

Маълумот учун Тошкент вилояти давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига мурожаат қилинсин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй, 109-хона. Телефон: 33-08-65.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир: Фатҳиддин МУХИДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Ўзлар: 33-99-15, 32-57-27.

Мақолалар, ёшлон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва ёшлон берувчилар масъулдир. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.



Тошкент шаҳар Ф. Ғуллом номли Маданият уйида «Маданий-маърифий муассасаларда анъанавий халқ ижодиётининг хозирги ҳолати, айрим муаммолари ва истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти маданият бошқармаси ҳамда илмий услубият маданият маркази ташкил этган ушбу анжуманда клуб, маданият уйи ва саройлардаги халқ ижодиётининг турли йўналишлари ҳақида кизикarli хамда айни пайтда жонли мулоқот ташкил этилди.

Илмий анжуманда сўзга чиққанлардан Маданият бошқармасининг бошлиғи З. О. Солихов, Ҳамза номли санъатшунослик институтининг

Халқ ижодиётига кенг йўл

бош мутахассиси, профессор Т. Обидов, Маданият институтининг профессори, филология фанлари доктори Ф. Жалолов, маданият институтининг доценти К. Умурзоқовлар

вилоятдаги маданий-маърифий муассасаларнинг хозирги аҳоли, миллий дорбозлик санъати, халқ озаки ижоди, миллий хўнрамандчилик, кўғирчоқ театрлари ҳақида ўз фикр-мулохазаларини билдирдилар.

Анжуман қатнашчиларини илмий услубият маданият марказининг бош мутахассиси К. Хусанов ўзи ясаган кўнахонада асосби билан таништирди.

-- Мен бастакор бўламан.

Даврон АҲМАД сўрат павҳаси.

КУТУБХОНАДА УЧРАШУВ

Вилоят «Турон» кутубхонасида таниқли ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарини тақдироти бўлиб ўтди.

Кейинги вақтда «Шайтанат» асари қўлма-қўл бўлиб ўқияпти, -- деб сўз бошлади зиё маскани директори В. Собирова -- Еши, касби хар хил бўлган қўллаб адабиёт илосмандлари бу асарни сўраб келмоқда.

Адабиётшунос олим Наим Каримов Тоҳир Малик ижоди ҳақида гапириб, бу асарни кейинги йиллар ўзбек насрида катта воқеалардан бири бўлганини таъкидлаб ўтди. Муаллиф асарнинг ёзилиш сабаблари, ижодий жараёндаги кечинмалари ҳақида сўзлаб берди.

Асар тақдиротида адабиётшунос Шухрат Ризаев, Барнобек Эшпўлатовлар ҳам мазкур асар ҳақида ўз фикр ва мулохазаларини билдирдилар. Кизикarli сўбат охирида муаллиф китобхоналарни кизиктирган саволларга жавоб берди.

З. ЖУРАЕВА

СПОРТ

ДЭВИС КУБОГИ МУСОБАҚАСИГА ТАКЛИФ

Ўзбекистон теннисчилари 1995 йилда бўладиган Дэвис кубоғи учун мусобақада қатнашишга таклифнома олдидлар. Бу -- энг масъулиятли халқаро мусобақа бўлиб, ҳақли равишда эркаклар командаларининг норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланади. Командалар олдин зонал мусобақаларда иштирок этади. Унда навбатдаги даврага «йўлланма» олинади.

Ўзбекистон спортчилари кубок учун мусобақанинг биринчи даврасини 3 февралдан 5 февралгача Катар шаҳрида ўтказадилар.

Халқаро теннис федерациясининг қарорига мувофиқ, зонал мусобақаларнинг иккинчи босқичи 31 мартдан 2 апрелгача Тошкентда ўтади. Бу -- ажойиб ўйинни тарғиб қилиш ва оммалаштиришда Ўзбекистоннинг хизмати эътироф этилганининг белгисидир.

ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ЯҚУНЛАНДИ

31-жаҳон шахмат олимпиадаси нияосига етди. Москвадаги «Космос» меҳмонхонасида 126 та эркаклар ва 79 та аёллар командаси икки ҳафта давомида биринчилик учун беллашди.

Олдинги олимпиадада бўлганидек, бу гал ҳам Гарри Каспаров бошчилигидаги Россия Федерацияси командаси биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон командаси 56 имкониятдан 32 хол тўллаб, иккинчи ўнликдан жой олди. Шахматчиларимиз ҳисобида олти галаба, беш дуранг ва уч мағлубият бор. Манилада бўлиб ўтган Олимпиадада команدامиз кумуш совринни олганини назарда тутсак, бу галги натижани кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Шахмат олимпиадасида биринчи марта иштирок этган Ўзбекистон хотин-қизлар командаси 26-ўринни эгаллади. Қизларимиз олти учрашувда галаба қозоништи, уч учрашувни дуранг натижа билан яқунлашти ва беш учрашувни бой беришти. Шундай қилиб, улар 42 имкониятдан 22,5 хол олишти.

(ЎЗА МУХБИРИ).

САҲНАГА БАХШИДА УМР

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика еш томошабинлар театрида Ўзбекистон Халқ артисти Манзура Ҳамидова таваллудининг 80 йиллиғи ва ижодий фаолиятининг 60 йиллиғига бағишланган кеча бўлди.

Эл ардоғидаги санъаткор элиқ бир йилдан бери болаларнинг тарбия учоғига айланган ана шу даргоҳда ишлаб келади. Шу даврда у икки юзга яқин ранг-баранг образлар яратди.

Юбилей тантанасида маданият ишлари вазирлиги, театр арбоблари жамияти, пойтахт театр ва концерт ташкилотлари, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, ҳамкасблар, санъат мухлислари таниқли санъаткорни қутлуғ сана билан муборакбод этдилар.

ҚОНУБУЗАРНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛДИ

Эркин муомиладаги валютани республикадан гаيرиконуний йўл билан четга олиб чиқиб кетиш ҳоллари учраб турибди. Тошкент шаҳар боғхона хизмати ходимлари «Тошкент-Франсфурт» йўналиши бўйича учаётган йўловчиларни назоратдан ўтказаятиб Ўзбекистон республикаси фуқароси Одилбой Рот деган шахсни текширди. У 4400 АҚШ доллар, шунингдек, 96800 сумни олиб чиқиб кетаётган экан. Айни пайтда Ротга нисбатан боғхона суриштируви ўтказилмоқда.

(ЎЗА).

Чилонзор хокимиятига қарашли «Тўра» фирмасини думалоқ муҳри ва уч бурчак штампни йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Масъулияти чекланган фирма «Караэн» ЛТД жамияти тугатилади. Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.

Р.Р.Шрёдер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти жамоаси институтнинг меваларни сақлаш ва қайта ишлаш бўлими мудирини Г.К. Исроилов ва унинг оила аъзоларига волидаи мухтарамаси

ИНОБАТ ая ИСРОИЛОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМГАРМА БАНКИ • ЎЗБЕКБИРЛАШУВ • ЎЗБЕКСАВДО

1994 йилги "СОВҒА" лотереясини чиқарди

"СОВҒА" лотереяси - бу Сизнинг орзуингиз! Бунақаси ҳали бўлмаган.



"СОВҒА" пул-буюм лотереясида автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель комплектлари, гиламлар ҳамда бошқа халқ истеъмолчи молларини ютиш имконияти бор.

ЎЗИНГИЗ ЎЙЛАБ КЎРИНГ: ЧИҚАРИЛГАН ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯНИНГ УМУМИЙ СУММАСИНИ 70 ФОЙИЗИНИ ЮТУҚЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.

СОВҒА лотерея билетлари Ўзбекистон Жамғарма банкнинг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо ташкилотларида, жамоатчи билет тарқатувчилар орқали сотила бошланди.

Сиз Ўзбекистон Жамғарма банкнинг барча муассасалари, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари орқали бу ҳақда янада батафсил маълумот олишингиз мумкин.

"СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ - ОИЛАНГИЗ УЧУН СОВҒАДИР!

Билетнинг баҳоси - 10 сўм. Шошилинг! Ютуқлар тиражи 1994 йил 28-29 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги "Наврўз" саройида ўтказилади.

ЛОТЕРЕЯ ЎЙИНИДА ҚАТНАШИБ, ЮТИНГ! СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95.

